



## МЕН «КЕЛАЖАГИ БУЮК» ЮРТ ФАРЗАНДЛАРИНИ КЕЛАЖАГИДАН ДАҲШАТГА ТУШАМАН

“Тарбия биз учун ё ҳаёт ё мамот, ё нажот – ё ҳалокат, ё саодат – ё фалокат масаласидир”, деган эди ўтган асрнинг бошларида миллатнинг буюк инсони, педагог, шу миллат учун жонини фидо қилган Абдулла Авлоний.

Ўзбекистон ёшларини тарбия, таълим масаласи бугунги кунда қай аҳволда? Куйида бу масалани биргина Кўкон шаҳри мисолида кўриб чиқишга ҳаракат қиламиз.

Майли, бугун диний мавзуда гап очмайлик, оддий ёшларимизни бугунги дунёвий билими ва тарбияси ҳақида гаплашайлик.

Биз замон талабига мос мутахасис тайёрламоқчи эканмиз, биринчи навбатда ўқув даргоҳларимизни нафақат шакли, қиёфаси ва таркиби, балки моддий базаси ҳам замонавий бўлиши давр талаби.

Шаҳар ўқув юртларини моддий техник базасини янгиламасдан туриб, ҳозирги замон талабларига жавоб берадиган мутахасислар етиштира олмаслигимиз аниқ гап. “Тезкор ислохотларга” қарамасдан шаҳримиз ўқув юртларида ҳамон алмисокдан қолган ўқув жиҳозлари асосида ўқитиш ишлари олиб борилмоқда.

Жаҳонда қанча саводли, илм ва маърифатли киши бўлса, уларнинг бари ўқитувчи таълим

тарбиясидан баҳраманд бўлган. Ўқитувчилар улуғ ғояларни аҳоли орасига олиб кирувчи, комил инсонни тарбияловчи, илмпарвар ва маърифатпарвар кишилардир.

Мамлакатда бирор киши йўқки, у хоҳ ишчи бўлсин, хоҳ ҳоким, академик бўлсин, хоҳ тадбиркор ёки фермер, ҳарбий ёки доктор бўлсин, барча-барчаси ўқитувчидан сабоқ олган. Ҳақиқий ўқитувчи ҳақли равишда киши қалбининг инженерларидир. Эндигина ақлини таний бошлаган мурғак қалбдан, юксак маънавиятли инсонларни шакллантирадиганлар, инсонлар дилига ёруғлик ва зиё олиб борадиганлар ўқитувчилардир.

Кейинги 20-25 йил шаҳримизда замонавий, кўзни қамаштирадиган, ақлни лол қолдирадиган ҳашаматли тўйхоналар, қиморбозларнинг афсонавий пирлари орзу қилиб етиша олмаган чойхоналар, тижоратчию, бозорчиларга яратиб берилаётган қулайликлар, сарроф ва аллофларга қаратилган алоҳида эътибор, бир биридан «шинам» меҳмонхонаю хилватхоналарни кўриб, зиёли инсонларни ҳаваси эмас, ғазаби келмоқда.

“Фарзандларимизни бахтуикболи, уларнинг ҳеч кимдан қам бўлмаёй вояга етишлари учун баркамол авлодни тарбиялаш масаласи давлат сиёсатининг

устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган”, “фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари шарт”, деган шаблон гапларни қайтаравермай, шаҳар раҳбарияти зиё масканларига ва зиёлиларга эътиборни қаратиши зарурдир.

Мухтарамшаҳарраҳбариятидаги, жаноблар! Кўкон шаҳрида (Ўзбек миллатида) ҳамма замонларда ҳам зиёлиларга, ўқитувчи устозларга, миллатни тоғдай таянчи, орзу-армонларининг ифодачиси, фидойи инсонлар деб қаралган.

Ҳақиқий зиёли устоз, мураббий ҳатто ёлгон гапирганда ҳам

одамлар унга ишонган, чунки зиёли, ўзини ўлим кутиб турганда ҳам ҳеч қачон халқни алдамаган, баъзи бир амалпараст, мансабдор раҳбарларга ўхшаб аҳолини ҳаққини еб-битирмаган.

Ўқитувчи устозларни кадрига етган, улар билан маслаҳатли иш қилинган юртда, ҳар доим осойишталик, тинчлик, барқарорлик ва юксалиш бўлган.

Тўғрисики тан олиб айтадиган бўлсак, бугунги кунда шаҳримизни маънавий, маърифий ва ижтимоий аҳоли нафратланадиган даражага тушган.

Шаҳарда маънавий муҳит, маориф соҳаси ниҳоятда танг аҳволда.

Дунё иморатларининг энг улуғи бўлган мактабларнинг аҳоли эътибор талаб бўлиб қолган, ўқув моддий базаси жуда ночор аҳволда.

Химия, физика, география фанларидан ўқув жиҳозлар тўғрисидаги аҳволни ёзишга қўл бормаёйди. Оддийгина дунё харитаси, глобус, компаслар ўқувчиларнинг орзуси, ўқувчилар бундай ўқув жиҳозлари борлигини телевизор орқали кўришади холос.

Мактабларда бир синфда 45 тадан 55 тагача бола сабоқ оляпти.

Қиш мавсумида аҳвол янада

*(Давоми кейинги саҳифада)*

**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

аянчли тус олмакда. Синф хоналарини ўқувчилар уйдан ўтин олиб келиб иситишга мажбур, синф хоналар, коридорлар тутунга тўла....

Мақтабни ота-оналар, ўқитувчиларнинг ўзлари ҳашар йўли билан таъмирлашади.

Мақтаб устахонасида ускуналар «анкониинг уруғи», фан хоналари, кабинетлар жуда ғариб, камбағал, спорт заллари, кутубхоналар замон талабига умуман жавоб бермайди.

Энг шарафли касб эгалари ҳам борган сари раҳбарият меҳрига муҳтожлик сезмоқда. Шаҳар ўқитувчилари ва ўқувчилари кўпгина фан соҳалари бўйича янги дарсликлар ва дастурларни, ўқув жиҳозларини топиша олмайди. Республикамизни бошқа вилоятларида аҳвол қандай билмайман. Аммо бизни шаҳар болалари ҳам пойтахтдаги каби шароитлар ва керакли қурол-анжомлар билан таъминланиши керак, деб ўйлайман.

Уйим мақтабни олдида бўлгани сабаб, ҳар куни мақтабга келаётган болаларни кўраман. Мақтабга келаётган қизларни оғзидан чиқаётган сўзларга чидаб бўлмайди, ўғил болалар кўлида сигарет билан келади. Ҳаттоки, синфхоналарда нос, сигарет чекадиган ўқувчилар бор. Ўқишни, билимни аҳволини гапирмаса ҳам бўлаверади. Оддий каррани аксарият ўқувчилар билмайди. «Алишер Навоий ким бўлган?» десангиз, анграйиб қараб туради.

Шуми буюк келажак? Шуми таълимга бўлган юксак эътибор? Очиғи, мен «келажаги буюк» юрт фарзандларини келажакдан даҳшатга тушаман.

Буларни ҳаммаси фалаж ҳолатидаги таълим тизимимизни нақадар аянчли эканлигидан далолат қилади.

Ўз соҳасининг билимдонлари мақтабни тарк этмоқда, устига-устак дарсларни мутахассис бўлмаган, фундаментал билимга эга бўлмаган одамлар ўтишмоқда. Мақтабларда аёл ўқитувчилар ҳаддан зиёд кўпайиб кетган, раҳбар лавозимларда аксарият аёллар, (мен бу билан аёлларни камситмоқчи эмасман, лекин фарзандларимизни таълим тарбиясида эркакларни ўрни нақадар муҳимлигини унутмаслигимиз керак).

Аксарият устоз-муаллимлар ўз билимини, маҳоратини



оширишга интильмай қўйган, эркак ўқитувчилар сердаромад ишларга ўтиб кетган. Порахўрлик деган иллат мақтабларда ҳам ўзга соҳалар каби чуқур илдиз отган. Афсуски, масъул лавозимда ишлаётганлар орасида лоқайдлик касалига йўлиққанлар талайгина.

Яширишни ҳожати йўқ, таниш-билишчилик, ўзаро манфаатдорлик, мансабдор шахсларни таъсир ўтказиши, адолатсизликлар, ноҳақликлар ҳам маориф соҳасига кириб келиб бўлган.

Шаҳар мулозимлари камчиликларни кўриб, кўрмасликка олади, йиғилишларда, мажлисларда ҳеч нарса ни кўрмагандек, оғзига талқон солиб ўтиради. Гўёки, минбарга чиқиб ҳақиқатни айтадиган бўлса, амалидан ажраб қоладигандек.

Кўрган билган нуқсонларни яширсак, боз устига «ҳамма нарса яхши, ҳеч нарсдан камчилик жойимиз йўқ», деб ёлғон гапираверсак, ёзаверсак, бора-бора кемтик жойларимиз катталашиб, газак олиб кетадику?!

Президентни ўзи «камчиликни айт, муаммо бўлса биргаллашиб ҳал қилайлик» деб турганда бу аҳвол туришларинг, миллатга, ватанга, президентга қилинаётган хиёнат деб ҳисоблайман.

Шаҳримиз аҳолиси қарийб уч юз минг кишини ташкил қилади.

Шаҳримизда маънавият ва маърифатга дахлдор бўлмаган масканлар кўпайгандан кўпайгани рост ва ҳақиқат.

Бугунги кунда шаҳримиздаги ҳашамамли тўйхоналар, гўзаллик ва келинлар салонлари, интернет кафелар, компьютер ўйингоҳлари, чойхоналар, кафелар, дискотекалар, ва ҳоказоларни... баркамол шахсни «тарбиялашдаги» ҳиссасини шаҳримиздаги фожеалар, ёшлар ўртасидаги жиноятчиликлар, бузукликлар кўрсатмоқда.

Китоб ўқимаган ёшлар ношуд ва нотавон, оддий бир ҳаётини муаммони ҳал эта олмайдиган, мутаассиб, жиноятга мойил,

тақлидчи, «серка»ларни орқасидан эргашадиган, манкурт-зомби бўлиб қолиши мумкин.

Манавият ва маърифатдан бебахра, қаровсиз ёшлар келажакда ким бўлади?

Улардан нима кутамиз?

Тарбиясиз, қаровсиз ёшлар кўпаяверса, раҳбарлар ўз ҳузури ва жиғилдонини ўйлайверса, нафс балосига гирифтор бўлса, эртага миллат, давлат тақдири нима бўлади?

Энг ташвишланарлиси йигитлар бангхонадан, киморхоналардан, бильярдхоналардан, қизлар гўзаллик салони ва дискотекалардан боши чиқмайдиган, қўлига китоб ушламайдиган ёшлар эртага ким бўлади?

Оммавий ммаданиятга қул бўлганлари қандай фуқаро бўлади?

Шу ва шунга ўхшаш саволлар жуда кўп.

Дунёнинг саккизинчи мўъжизаси деб эътироф этилган китобни ўзига дўст деб билган ёшларимиз келажакимизни чинакам пойдевори бўла олади.

Бунинг учун эса уларни аввало китоб билан таъминламоқ керак.

Ҳозирда республикаимизда 100 дан ошиқ нашриёт йилига 40 миллион дан ошиқ китобни ўқувчиларга тақдим қилаётган экан.

Бу чоп этилаётган китоблар билан ёшларни, шаҳар аҳлини баҳраманд этиш сиз ва бизни бурчимиз.

Сўзим сўнгида бир мисол келтирмоқчиман.

Анча йиллар аввал Хитойлик олимлар «нима учун бизда оламшумул кашфиётлар қилинмаяпти? Нега »АППЛЕ, ГООГЛЕ» компаниялари каби фавқулодда янгиликларга қўл урилмаяпти?, дея ўйланиб қолдилар. Бу саволларга жавоб топиш мақсадида бир гуруҳ мутахассислар жаҳонни айланиб чикдилар, кашфиётчилар билан суҳбатлашдилар, узоқ таҳлиллардан сўнг, дунёнинг буюк кашфиётчилари болалик чоғларида бадиий адабиётни кўп ўқиганликлари аниқланди.

Шундан сўнг Хитойликлар китобхонликка алоҳида эътибор қарата бошладилар.

Назаримда бундан албатта ибрат олиш зарур.

Sayyid Islom  
facebook.com



18 йил умрини Ўзбекистон қамоқхоналарида ўтказган собиқ сиёсий маҳбус Муҳаммад Бекжон тутқунликдаги ҳаётига бағишланган биринчи китобини ёзиб тугатган. Муҳаммад Бекжон билан суҳбатни You Tube каналимизда тингланг.

Таниқли шоир ва марҳум Ислон Каримовнинг сиёсий рақиби Муҳаммад Солихнинг укаси бўлган Муҳаммад Бекжон шу йил февралда озодликка чиқарилганди.

У 1999 йилда Тошкент портлашларида айбланиб, Киевда ҳибсга олинган ва Ўзбекистонга экстрадиция қилинган.

Ўша йилнинг кузига Тошкентда ўтган маҳкамада Бекжон ва бошқа айбланувчилар ўзларига қўйилган айбларни рад этишган ва кийноққа

## “Алвидо, Жаслиқ!” - Ўзбекистон қамоқхонасидаги даҳшатлар китоб бўлди

солинганликларини айтганлар.

Ўзбекистон маҳкамалари Муҳаммад Бекжонга чиқарилган 11 йиллик дастлабки маҳкама ҳукмини узайтириб келганлар.

Франциядаги “Чегара билмас мухбирлар” ташкилоти Муҳаммад Бекжонни “дунёда энг узоқ муддат қамокда ўтирган журналист” деб атаган. Ҳозирда Хоразмдаги уйда яшаётган 63 ёшли Бекжон ўзининг озодликка чиқарилишини Ўзбекистондаги ҳокимият ўзгариши билан боғлайди.

“Каримов ҳаёт бўлганида ҳали ҳам қамокда ўтирган бўлардим”,

– дейди муҳолифатдаги “Эрк” партиясининг фаоли.

Би-би-си билан суҳбатда Муҳаммад Бекжон Президент Мирзиёев бошлаган ислохотлар пировардида мамлакатдаги барча сиёсий маҳбусларнинг озод ва реабилитация қилинишига олиб келади, деб умид қилаётганини билдирди.

Муҳаммад Бекжоннинг “Алвидо, “Жаслиқ!” деб номланган биринчи китобидан боблар билан келаётган кунларда BBCUZBEK.COMда танишишингиз мумкин.

**Манба: Би-би-си Ўзбек**



### Люстрация зарур

Шароф Рашидов ўлиб, машҳур 16-Пленумда у қаттиқ танқид қилинганидан кейин кўп раҳбар ва зиёлилар жонларини асрашга чора ахтариб: “Билмаган эканмиз... Кўзимиз кўр бўлган экан... Сехрланиб қолган эканмиз...” каби тутириқсиз “тушунтириш”ларнинг панасига ўтиб олган эди. Уялмай!

Тарих яна такрорланыпти. Ислон Каримов ўлиmidан кейин сиёсат ўзгара бошлаганини ҳидлаб қолган амалдорлар яна ўзларига фатво ахтариб қолишди:

“БИЛМАЙ ЮРГАН ЭКАНМИЗ...”

Яъни, Сиз Жаноби олийлари кўзимизни очмаганингизда ўлгунимизгача билмай юраверар эканмиз!..

Ана, аҳволимиз! Кунимиз шуларга қолган!

Йигирма етти йил ҳеч нарсани билмаган бўлса, айб кимда:

Ҳеч нарсага ақллари етмайдиган, ақли етмаслигини билатуриб ҳокимиятга талпинадиган, эришиб олганидан кейин эса уни ҳеч кимга бергиси келмай қоладиган ўзларидами?!

Оддий нарсаларнинг ҳам фарқига бормайдиган кадрларни етиштирган, халқ ва давлат ишларини шунақа

қолишини ҳаёлига келтирмапти...

Оддий халқ хатоси – кечагина совет раҳбарларининг ёлғонларига кўр-кўрона ишониб-эргашиб қаёққа борди-ю, “Мустақиллик эгаси” нинг ёлғон-яшиқларига ишониб-эргашиб бугун қаерга боряпти? Ва бу одам ўтиб кетганидан кейин эртага яна қанақа нағмаларга ўйнай бошлайди – ҳеч йўқ шуларни ўйлаб кўрмапти.

Ҳа, бу кунлар ўтади, президент ҳам ўтади. Бошлиқлар алмашади. Замонлар, сиёсатлар ўзгаради. Тарихга бошқача қарашлар бошланади. Устма-уст тўпланиб-қалашиб ётган йигирма йиллик гуноҳлар, жиноятлар бир-бир очилади. Ўшанда нима бўлади?!

Кеча бу бузук жамиятнинг қайси нуқтасида турган бўлсак, эртага яна ўша нуқтасида ҳеч нарса кўрмагандай иршайиб тураверамизми?!

...Оқил киши тарихдан сабоқ чиқаради.

Бугунги маддох зиёлилар эртага нима қиларкин? Манглайига шаппа уриб, оббо, яна адашибмиз-да, деб... ҳеч нарса кўрмагандай, яна янгисига эргашиб кетаверадимиз?!

Ёки худди кечагига ўхшаб: “Сехрланиб қолган эканмиз...” деб кутулиб қолмоқчи бўладими?! Деса, шу гапига ўзи ишонадимиз? Виждони қонадимиз?

Зиёли агар зиёли бўлса, эртанги холини бугун ўйласин”.

**Нуруллоҳ Муҳаммад Рауфхон**  
facebook.com

Болалар ва ота-оналар уни оддий қилиб “Слава амаки” ёки “дядя Славик” дейишади. Тошкентнинг Сирғали туманида 7-8 йилдан бери футбол бўйича “репетитор”лик қилаётган 49 ёшли Ярослав Лапин болаларга асосан техника (тўп билан муомала) сирларини ўргатади.

Унинг машғулотларида жонглёрлик (тўпни ерга туширмасдан икки оёқда тепиб туриш), тўпни оёқ панжасининг турли қисмларида қабул қилиш, ҳар хил масофаларга пас бериш, дарвозага зарба бериш ва алдамчи ҳаракатларни ўргатишга катта эътибор берилади.

Шу билан биргаликда Ярослав Лапин болаларнинг эгилувчанлигини ошириш, майдонни яхши кўриш, майдонда тез ва тўғри фикрлаш машқларига ҳам алоҳида эътибор беради.

#### “Оёқ панжаси ишламаса, калла ишлаганидан фойда йўқ!”

Бу – Слава амакининг сеvimли ибораларидан бири. Оёқ панжасининг букилувчанлиги ва бурилувчанлигига катта эътибор қаратадиган мураббийнинг фикрича, футболчининг оёқ панжаси камида 90 градусга орқага ва олдига қайрила олиши ва паст-тепага букила олиши керак. “Тасаввур қилинг, ўйинда футболчи бурчак байроқчаси ёнига бориб қолди ва ўзи турган нуқтадан 10-15 метр орқароққа пас бериши керак. Футболчининг бунга ақли етади. Лекин оёқа панжаси керакли градусга орқага қайрила олмаса, ўйлаган режасини, яъни ўша пасни амалга ошира олмайди. Тўп бошқа томонга кетиб қолади”, – дея тушунтиради Ярослав Лапин.

Унинг айтишича, тана эластиклигини ошириб бориш техникани юксак чўққиларга олиб чиқишнинг асосий шартларидан биридир. “Футболчининг эгилувчанлиги қанчалик даражада бўлса, техникаси ҳам шунчалик даражада бўлади. Мускуллари тахтадек қотиб ётган бўлса, тўп ҳам ундан тахтадан қочгандек қочади”, – дейди Слава амаки. Унинг айтишича, қайсар тўпни жиловлаш учун аввало эгилувчанлик, кейин эса тинимсиз машқлар зарур бўлади.

“Репетитор”нинг фикрича, футболчидаги эластиклик жароҳатлар хатарини ҳам камайтиради экан. “Футболчининг мушаклари ва оёқ панжалари



### Сирғалилик футбол “репетитори”

эгилувчан бўлса, зарба пайти эгилиб-чўзилиб яна жойига қайтади. Мушаклар ва панжалар қотиб қолган бўлса – ё узилади, ё синади. Шунинг учун машғулотларда эластикликни оширишга катта эътибор бериш керак” – дейди Ярослав Лапин.

“Нима учун машғулотларингизда асосий эътибор фақат тўп билан муомалага қаратилади?” – деган саволимга Слава амаки шундай жавоб берди...

#### “Одам боласи мушук боласига ўхшайди”

“Мушук боласи ҳам, одам боласи ҳам тўпга тўйиб олгунча, уни ўзлаштириб олгунча, тўпни ҳеч кимга бермайди”, – дейди Ярослав Лапин. Унинг фикрича, болалар футболчидаги тўпни ҳеч кимга бермай ўзи олиб юриш, алдашга берилиш каби “эгоцентрик” (“худбиний”) муаммолар аслида муаммо эмас.

“Бундай ҳолатлар болаларда 15-16 ёшгача давом этадиган табиий ҳодислардир. Болалар тўп билан муомалани, дриблингни яхши ўзлаштириб олишгач, яъни тўпга тўйиб олишгач, кейинчалик ўзлари пас ўйнашни бошлашади. Шунинг учун болаларга бу нарсаларни таъқиқлаб, улардан фақат пас ўйнашни талаб қилиб бўлмайди. Ёшлигида фақат пас ўйнаб улғайган болалар катта бўлганида ҳеч кимни алдай олмайдиган, рўпарасига бир рақиб келса, нима қилишини

билмай турадиган футболчига айланишади”, – дейди Я. Лапин.

Сирғалилик “репетитор”нинг айтишича, болалар футболчида баъзи мураббийлар жамоавий ютуқ ва ғалабалар кетидан қувиб, болаларга дриблингни ва алдамчи ҳаракатларни таъқиқлаб, шогирдларидаги индивидуал маҳоратни ўлдиришади.

“Болалар мураббийининг ютуғи у ютган кубоклар ёки олган фахрий ёрликлар билан эмас, катта футболга етказиб берган шогирдлари билан белгиланади”, – дейди Ярослав Лапин. Унинг таъкидлашича, ҳар қандай футболчининг муваффақияти негизида биринчи навбатда индивидуал маҳорат ётади.

#### “Ҳар қандай дриблинг асосида асл ниятни яшириш ётади”

Шогирдларига турли финт ва дриблингларни ўргатувчи Ярослав Лапин мана шу гапни такрорлагани такрорлаган. Мураббий ҳар машғулотда: “Ўнга юрмоқчимисан?! Олдин чапга юр, рақиб ортингдан эргашгач – ўнга юр! Чапга тепмоқчимисан?! Олдин ўнга тепадигандек ҳаракат қил. Рақибни ишонтирганиндан кейингина – чапга теп!” – дейишдан чарчамайди.

“Асл ниятингизни яширинг! Уни рақибга кўрсатманг, билдирманг! Асл ҳаракатингизни охирига олиб

*(Давоми кейинги саҳифада)*



**(Давоми: Боши олдинги саҳифада)**

қўйинг. Асл ҳаракат – сўнги ҳаракатдир! Сўнги ҳаракат – асл ҳаракатдир. Унгача бўлган ҳар қандай ҳаракат сохта ва алдамчи ҳаракатдир!” – дейди Славик амаки.

Мураббийнинг фикрича, болалардаги техник маҳорат ва дриблингни етарлича ривожлантиргач, унда майдонни кўра олиш ҳамда тўғри ва тез фикрлай олиш қобилиятларини оширишга ўтса бўлади.

**“Жонглёрчи газета ўқий олиши керак!”**

Болаларда майдонни кўра олиш маҳоратини оширишга катта эътибор қаратадиган Ярослав Лапин жонглёр қилаётган шогирдларининг олдида туриб, бармоқлари билан турли рақамларни кўрсатаётганини ёки қулидаги газетадаги катта ёзувли сўзларни ўқитаётганига кўп бора гувоҳ бўлганман. Жонглёр қилаётган бола қайси рақам кўрсатилганини оғзаки айтиши ва ёки газетадаги сарлавҳаларни овоз чиқариб ўқиши керак. Бу машғулот пайтида Славик амаки ҳам бир жойида турмайди: у ёқдан бу ёққа юради.

“Бу машқ болада бошни кўтариб ўйнашни, майдонни кўришни ва

эътиборини фақат тўпга эмас, балки шерик ва рақибларининг қай тарзда жойлашганлигига қаратишни ривожлантиради”,- дейди сирғалилик футбол “репетитори”.

Унинг айтишича, футболчи болалардаги тўғри ва тез фикрлаш қобилияти негизида майдонда бошни кўтариб ўйнаш ва майдонни кўра олиш маҳорати ётади. Шу сабабдан, Ярослав Лапин шогирдларига доим: “Майдонда очик кўзли кўр бўлишни истамасанглар, бошни кўтариб ўйнанглар!” – дегани деган.

**Славик амакининг шогирдлари**

Бугунги кунда Ярослав Лапиннинг довуғи бутун шаҳарга ёйилган десам, хато қилмайман. Чунки унинг машғулотларига болалар пойтахтнинг турли туманларидан қатнашмоқда. Ярослав Лапинда таҳсил олаётган ёш футболчилар орасида “Пахтакор”, “Бунёдкор”, “Локомотив” каби гранд футбол клубларининг академияларида ҳамда оддий футбол мактабларида таҳсил олаётган болалар бор.

Ўзимнинг ўғлим унга уч йилдан бери қатнайди. Славикнинг машғулотларидан кейин ўғлим майдонда ақлли футбол намоиш эта бошлади. Аввалгидек беҳуда

югуришларга ўзи барҳам берди.

Бошқа ота-оналар ҳам фарзандлари Сирғалига келиб шуғулланаётганидан мамнунлар. Уларнинг айтишича, Славик болаларга хушмуомалалиги, меҳр-муҳаббати билан бошқа мураббийлардан ажралиб туради. “Унинг қўл остида фарзандларимиз бемалол ўйнашади, мураббий босими деган нарсани ҳис қилишмайди”, – дейди Тошмуҳаммад ака Синдоров.

Бошқа ота-оналарнинг айтишларича, Славик машғулотлар пайтида шогирдларига сўкмайди, уларни ҳақорат қилмайди. “Славик фарзандларимизга худди дўсти ва тенгдошига муомала қилгандек муомала қилади”, – дейди Тошмуҳаммад Синдоров.

P.S.: Ярослав ЛАПИН 1968 йил 9 октябрда Тошкент шаҳрида туғилган. «Пахтакор» футбол мактабида шуғулланган. Биринчи мураббийи Александр Шчелочков. Кейинчалик А. Мягков, Л. Коваленко, А. Яришев каби мураббийлардан таҳсил олган. Турли йилларда Ангреннинг “Шахтёр”, Будапештнинг “СКА ЮГВ”, Урганчнинг “Динамо”, Ҳаққулбоднинг “Норин” ва бошқа жамоаларда тўп сурган.

**Бобомурод АБДУЛЛА  
17.07.2017**

“Ўзбекистонда ҳижобга ҳеч қандай таъқиқ йўқ”

Бир аҳли илм уялмай, оғзини тўлдириб шу гапларни айтган эди. Кеча “BBC” да чиққан хабарни ҳамма кўрди. “BBC” суҳбатлашган мулозимларни масҳарабозлик қилиб, гапни айлантирганини ҳамма эшитди. Ҳамма кўрган, билган, эшитган нарсани инкор қилиш учун одам кўр бўлиш керак. Кўр одам эса мутлақ гапирмайди. Кўр одамга «сутни ранги оқ», десангиз сиз билан тортишмайди. Очик кўрлар бундан мустасно.

Осмонни булут қоплаганини кўриб “осмонни ранги қора бўлди” десангиз, осмонга қарамай “осмонни ранги қарамой, истиснолар мавжуд вазиятни белгиламайди”, дейди.

Аввалосмонгақара.Осмонни



**“Ҳақни айта олмасанг, ботилга қарсак чалма”**

қора булутлар қоплаган. Йўқ, қарамайди. Инкор қилади. У кўр осмонни шундай тасаввур қилган. Ҳақиқатни кўриб қолса тасаввурлари ўзгариб кетишидан кўрқади.

Ҳей, муридлар, кўзингизни очинг. Домлаларингиз қаззоб! Алдаяпти. Алдагани кўп ўтмай маълум бўляпти. Мен,

у, анавилар эмас ўзини ўзи қаззоблигини очаяпти. Ўзини ўзи шарманда қияпти.

Барака топгурлар, кимга қарши чиқяпсиз? Кимни буйруқларини муҳокама қияпсиз? Динни Аллоҳ нозил қилган. Раҳбарингизни бир оғиз гапи йўлида ўлишга тайёрсиз. Унинг сўзларини муҳокама қилмайсиз, бажарасиз. “Нотўғридир”, деб ўйлаб ҳам кўрмайсиз. Аллоҳни буйруғини бемалол муҳокама қиласиз. Ўзгартиришга уринасиз. Ўзингизни ўзгартиринг, Аллоҳ сизни (дин душмани қилиб) ўзгартириб юбормасидан аввал.

Дин «додангиздан» қолган мерос эмас. “Ҳақни айта олмасанг, ботилга қарсак чалма.”

**Sayyid Islom  
facebook.com**



## Фермерлар ва ҳукумат манфаатлари ғалла устида тўқнашмоқда

Ошкоралик ва шаффофликни ўзига шиор қилиб олган Ўзбекистон ҳукумати буғдой ўрими-йиғими мавсумида юз бераётган қонунбузарликлар ҳақида оммавий ахборот воситаларида эълон қилинаётган хабарларга муносабат билдиришдан ўзини олиб қочмоқда.

Хусусан, сўнгги кунларда мустақил ОАВда Жиззах вилоятининг Зафаробод туманида ҳокимнинг фермерларга тегишли режадан ташқари буғдойни мажбуран ўриб олишга қаратилган ҳатти-ҳаракати ордидан деҳқонлар ерга сув қўйиб юбораётгани ҳақида хабар тарқатилди.

Фермерлар бу ҳаракати билан шартнома асосида ўзларига тегишли ҳосилнинг сув текин нархда давлатга топшириб юборилишининг олдини олмоқда. Чунки сув босган далага комбайн кира олмайди.

Мамлакатнинг деярли барча вилоятларидан режани бажарганига қарамай, маҳаллий ҳокимларнинг фермерларни ғалла топширишга мажбурлаётгани ҳақида хабарлар келиб турибди.

Бу ҳам етмагандек, баъзи ҳудудларда деҳқончиликка алоқаси бўлмаган ташкилотлардан буғдой режасини тўлдириш учун пул йиғилаётгани айтилмоқда.

Хусусан, Андижон вилоятининг Шаҳрихон туманида тиббиёт ходимларидан туман буғдой

режасини бажариш учун юз минг сўмдан пул йиғиш ҳақида топшириқ берилган.

Сурхондарё вилоятининг Олтинсой туманида эса лалми ерларда узум етиштирадиган фермерларга ғалла топшириш пунктларига 300 килограммдан буғдой топшириш мажбурияти юкланган.

Бундан ташқари, кўпгина вилоятларда режани бажарган фермерларга ортиқча ғаллани ўриб-йиғиб олиш учун комбайнлар беришга чеклов белгиланган. Яъни фермерлар режадан ортиқча ғаллани ўзи ва ишчилари учун ўриб олиш имкониятидан маҳрум этилган.

Ҳокимият ортиқча буғдойни ўриб олиш учун комбайнлар беришдан бош тортмоқда. Ҳатто хусусий комбайнларнинг фермерларга тегишли буғдойни ўриб беришига тўсқинлик қилинган.

Эътиборлиси шундаки, президент Шавкат Мирзиёевнинг ҳокимият органларидан очиқлик ва ошкораликни талаб қилаётгани ордидан ОАВда эълон қилинаётган бу маълумотларга расмийларнинг муносабатини кутиш мантиқли бўлар эди.

Лекин шу вақтгача на Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, на меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиши керак бўлган Касаба уюшмалари федерацияси

бу ҳақда бирор баёнот билан чиқди.

Республика фермерлар кенгаши ҳам, тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилишни бош мақсади деб биладиган партиялар ҳам жим.

Ҳатто Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги «Чўнбоғиш Қутбиддин» фермер хўжалиги раҳбари Хусниддин Ражабов ишчиларга тарқатиш ниятида олиб қўйган буғдойни туман ҳокими тортиб олганидан сўнг ўз жонига қасд қилгани ҳақида хабарлар пайдо бўлганидан сўнг ҳам расмийлар чурқ этгани йўқ.

Маълумотларга қараганда, бу йил фермерларнинг аксарияти давлат режасини бажаришга етарли даражада буғдой етиштирган.

Лекин маҳаллий ҳокимлар давлат режаси ортиғи билан бажарилаётганини кўрсатиш ниятида илғор фермерларнинг ўз эҳтиёжи учун қолиши керак бўлган ҳосилига ҳам кўз олайтирмоқда.

Бунинг ортида эса туманнинг кўрсаткичларини ошириб кўрсатиш, шу орқали президентнинг ғазабидан қутулиб қолиш нияти ётибди.

Яна бир эътиборли жиҳати шундаки, одатда мустақил ОАВларнинг хабарларини ёлғонга чиқариш мақсадида фойдаланиладиган «қўлга ўргатилган» журналистлар ҳам мана шу масалага келганида пайтавасини чайнаб, жим ўтиришдан нарига ўта олмаяпти.

Бир қадар эркинлигини кўрсатишга уринаётган маҳаллий интернет сайтлари ҳам буғдой ўрими мавсумидаги бу ғирромликларни кўрмасликка олмоқда.

Маҳаллий таҳлилчилар фикрича, ҳукумат аслида бўлаётган барча воқеалардан хабардор. Лекин у янги президентнинг қишлоқ хўжалиги соҳасида юритаётган сиёсати ҳозирданок ўз самарасини бераётганини кўрсатиш мақсадида мавжуд камчиликларга кўз юмиш йўлини тутмоқда.

**Баҳодир Шариф**  
**Ўзбекистонлик газетхон**  
**таҳаллуси**  
**Манба: Eltuz.com**

“Озодлик” радиоси мобил мухбирларининг хабар беришича, Тошкент вилоятининг Тўйтепа, Ангрен, Олмалик шаҳарларида, Шавкат Мирзиёевнинг ташрифи арафасида бюджет ташкилоти ишчи-хизматчилари кўчаларни супуриб-сидиришга, ёзнинг жазирамасида орадан икки кун ўтиб қуриб қолиши муқаррар гулларни ўтказишга, эски ва қурилиши битмаган уй-жойларнинг кўча томонини тўсишга мажбурланган.

Президент 21 июль куни Тошкент вилоятига сафарини Ангрен шаҳридан бошлади. Ангренлик тадбиркорлардан бирининг айтишича, милиция ходимлари президент шаҳардан кетгунга қадар одамларни маҳалладан чиқармаган:

“Хусусан Ангрен шаҳри кўчаларининг ҳар юз метрига биттадан милиция ходими қўйилди. Бу ҳолат Ангрен шаҳридан Тошкент шаҳригача давом этганига шахсан ўзим гувоҳ бўлдим. Маълумот учун, Ангрен билан Тошкент шаҳарлари оралиғи 100 километрни ташкил қилади. Маҳаллалар бошида турган милиция ходимлари одамларга имкон қадар кўчага чиқмасликни маслаҳат бермоқда”, деди ангреник тадбиркор.

Олмалик шаҳридаги давлат корхоналаридан бирида ишлайдиган ходимнинг айтишича, уларнинг тинчи уч кундан буён бузилган:

“Президент келади экан деб, ҳамма ёқда тўполон. Мана уч кундан буён Олмалик шаҳрида ишчиларни туни билан ишлатишмоқда. Уч кун ичида қурилган стадионни гапирмаса ҳам бўлади. Бундай чала-чулпа ишларни наҳотки президент пайқамаса? Йўл ёқасидаги қақшаб ётган ерга гули очилиб турган кўчатлар экиляпти. Бу гул ниҳоллари икки кундан кейин қуриб қолишини ҳамма билади. Халқнинг миллионлаб пулини қўкка совурадиган бундай лаганбардор ҳокимларни ишдан олиб ташлаш керак”, дейди давлат корхоналаридан бирида ишлайдиган ходим.

Бошқа бир ангреник мобил мухбирнинг ёзишича, президент келиб кетганидан сўнг бюджет ташкилоти ишчи ва ходимлари енгил нафас ола бошлади:

“Мирзиёев ташрифи арафасида бир неча кун, жуда катта кенг



## Мирзиёев “ташрифи”нинг Каримов “ташрифи”дан фарқи борми?

қўламли хашар ўтказилди. Ҳатто кўпчилик президентимиз тезроқ келиб кетсалар яхши бўларди, шу хашардан қутилардик, дейишди. Чунки, бюджет ташкилотлари барчаси, ҳатто меҳнат таътилидаги ўқитувчию медперсонал барчаси шаҳар тозалаш ишларига мажбуран жалб қилинди. Бу хашарнинг сўнгги кунда, яъни президентимизнинг келишларига бир кун қолганда шаҳар Акушерлик мажмуасининг хашарга юборилган ҳамширасини машина уриб юборди. Хайриятки жони омон қолди”, деб ёзади “Озодлик” радиоси мобил мухбири.

Тошкент вилоятининг маркази Тўйтепа шаҳрини президентга чиройли кўрсатиш учун, унинг ташрифидан олдин барча туманлардан хашарчилар жалб қилинганига ўртачирчиқлик тадбиркор Наримон Хўжаев ўзи гувоҳ бўлганини айтади:

– Бу ёғи Бўка, Ангрен, у ёғи Янгийўлдан автобусларда одамларни олиб келишган. Тошкентнинг Бектемир постидан Тўйтепагача, Тўйтепадан Олмаликқача бўлган йўлларни супуриб тозалашди. Йўл четига бир қарич-бир қарич гуллар экиб чиқишди. Бир ҳафтадан сўнг бу гуллар қуриб битиши аниқ, чунки окин сувнинг ўзи йўқ. Қурилиши битмаган ва эски уйларнинг кўча томонига бўз, пластик ва тунукадан парда қилишган. Энди, ўйлаб кўринг, бир одамнинг кўзи учун минглаб одам сарсон, ишдан қолган, шунча автобус, техника

овора. Қанча ёнилғи, қанча вақт сарф бўлган. Бу кўзбўямачилиқдан бошқа нарса эмас, мен гаплашган одамларнинг фикри ҳам худда шунақа”, дейди Наримон Хўжаев.

Ўзбекистон президенти Шавкат Мирзиёевнинг вилоят ва туманларга ташрифи арафасида кўча ва биноларни зўрма-зўраки безаш, ободонлаштириш ишларига бюджетдан маош олиб ишлайдиган ходимларнинг мажбуран жалб этилиши кўп кузатилмоқда.

Жумладан, жорий йилнинг 5 июнида Фарғонада президент келишига бетон тувакларга райхон экилиб, пули аҳолидан ундирилган эди.

Марҳум президент Ислом Каримовнинг вилоятларга сафари давомида, у борадиган жойлар, ўтадиган йўл бўйлари хўжакўрсинга бўяб-бежашлар ва “Потёмкин қишлоқлари”га менгзаладиган бундай ҳатти-ҳаракатлар чиқими ҳам, одатда маҳаллий тадбиркорлар зиммасига юклатилар эди.

Ҳафталик видеоселекторларидан бирида президент Шавкат Мирзиёев, ҳақиқий вазиятни ниҳоятда яхши билишини таъкидлаб, ҳокимият вакиллари ҳар-хил кўзбўямачиликларни тўхтатишга чақирганига қарамай, Мирзиёев Бош вазирлиги даврида урф бўлган усуллардан фойдаланиш давом этаётганини ўзбекистонликлар бот-бот айтмоқда.

ЎХХ хабарлар бўлими







## ПРЕЗИДЕНТ МИРЗИЁЕВ СОЛИҚ ҚЎМИТАСINI ТУГАТИШГА ҚАРОР ҚИЛДИ

Ўзбекистон ҳукуматидаги биридан мустақил расмийларнинг Озодликка билдиришича, келаси ойдан Давлат солиқ қўмитаси тарқатилиб, ўз фаолиятини Молия вазирлиги ва Бош прокуратура таркибида давом эттиради. Уларга кўра, бу ҳақда 17 июль куни президент Шавкат Мирзиёев қарор чиқарган, бироқ унинг аниқ тафсилотлари ҳозирча ўрта ва қуйи бўғин расмийларига ҳам маълум эмас.

### Қўмитанинг тарқатилиши

Давлат солиқ қўмитаси икки юқори мулозимининг тасдиқлашича, 1 августдан бошлаб қўмитанинг мустақил фискал тизим сифатидаги фаолияти, президент қарори билан, тўхтатилади.

Айни пайтда қўмитанинг Озодлик суҳбатлашган мулозимлари кутилаётган ўзгаришлар тафсилотининг ўзларига маълум эмаслигини билдирди.

“Бу гап икки-уч ойдан бери юрган эди. Кеча президент қарори имзоланган. Бу ҳақда бизга кеча маълум қилишди. Ҳозирча билмаймиз қарор тафсилотини. Келгуси бир неча кун ичида қарор қўлимизга келиб тушади. Ана ўшанда ҳаммаси маълум бўлади,” – деди солиқ қўмитаси юқори мулозими.

Бу расмийнинг таъкидлашича, қабул қилинган қарор оқибатида Давлат солиқ қўмитасининг Молия вазирлиги бўлинмаларидан бирига айлантирилиши кутилмоқда.

“Ҳозир Молия вазирлигига ўтишга тайёрланапмиз. Катта эҳтимол билан Молия вазирлиги ихтиёрига ўтамиз. Аммо, президент указы ҳали тўла аниқ бўлганича йўқ. Бу ишлар август ойидан бошланиши айтилаяпти,” – деди Давлат солиқ қўмитаси юқори мулозими.

Қўмитанинг яна бир мулозими қўмитанинг солиқ тушумларини йиғиш ваколатлари Молия вазирлиги, солиқларнинг тўланишини назорат қилиш функциясининг эса Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ,

валютага оид жиноятларга ва жинойт фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментига ўтишини билдирди.

Солиқ тизимида ишловчи бошқа бир мулозим эса қўмита ходимларининг иш штати 50 фоизгача қисқариши мумкинлигидан жиддий хавотирга тушганини айтди.

“Кўпчилик хавотирга тушган. Чунки, қўмита тарқатилгандан кейин бу ерда ишлаганларнинг 50 фоизи ишсиз қолиши мумкин, деган гап- сўзлар юрипти. Аммо, ҳозирча ҳеч нарса аниқ эмас,” деди у.

### “Камрок текшир-текшир”

Давлат солиқ қўмитаси юқори мулозимига кўра, янги чора президент истаги билан амалга ошмоқда.

“Бизни кучли структурага ўтказишмоқчи. Буни президентнинг шахсан ўзи истаяпти. Кучли назорат ўрнатиш истаги бор. Налоговойнинг обрўсини кўтармоқчи,” – деди Давлат солиқ қўмитаси мулозими.

Солиқ қўмитасидаги бошқа мулозими эса, президент қарори билан Ўзбекистон солиқчиларига юкланган вазифаларнинг ҳам ўзгариши кутилаётганини айтди.

“Олдин асосан текшир-текшир бўлса, энди фақат тушум йиғиш билан шуғулланамиз. Президент текшир-текширни кескин қисқартиришни истаяпти. Энди камрок текшир-текшир бўлади. Шунга қаратилган нарса бўлаяпти,” дея изоҳ берди у.

### Назорат ва тақсимлашдаги номуваносиблик

Ўзбекистон Молия вазирлиги собиқ ходимининг ишонишича, янги ўзгариш солиқ-бюджет сиёсати самарадорлигини оширади.

“Бу нормал ҳолат. Дунёнинг кўплаб етакчи мамлакатларида Солиқ қўмитаси Молия вазирлигининг бир структураси бўлган. Бу солиқ-бюджет сиёсатини самаралироқ қилади. Бизда эса ҳозиргача Солиқ қўмитаси, асосан,

назорат функциясини бажариб келаётган эди,” деди Молия вазирлиги собиқ мулозими.

“Солиқ бюджет сиёсатининг икки функцияси бор: биринчиси, назорат; иккинчиси, тақсимлаш. Биринчиси – солиқ ставкаларини белгилаб, уларнинг давлат бюджетига тушишини назорат қилиш. Бу ишни Солиқ ва Божхона қўмитаси бажаради. Молия вазирлиги эса тасдиқланган давлат бюджетини тақсимлаш ишини бажаради. Яъни, халқ пулини яна халққа тақсимлаб беради. Ҳозиргача бизда назорат ва тақсимлашда номуваносиблик бор эди. Солиқ қўмитаси Молия вазирлигининг қўлини боғлаб қўйган эди. Ана энди иккита функция бир идора зиммасига ўтади,” – деди Молия вазирлиги мулозими.

Давлат солиқ қўмитаси раиси қабулхонаси ходими қўмита раҳбарининг ҳозирда Наманганда хизмат сафарида экани ва Озодликнинг қўмитадаги ўзгариш борасидаги саволига жавоб бера олмаслигини билдирди.

Солиқ қўмитаси матбуот хизмати ходими Музаффар Назаров эса, қўмитанинг тарқатилиши борасидаги саволга:

– Бизда ҳали унақа хабар йўқ. Унақа маълумот йўқ ҳозир. Солиқ қўмитаси ўз фаолиятини юритаяпти, – деб қисқа жавоб қилди.

Қўмитанинг йиллардан бери фаолият юргизиб келган [soliq.uz](http://soliq.uz) расмий сайти 18 июль куни очилмади.

Ўзбекистон президентининг 1994 йил 18 январь кунги қарори билан Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Давлат солиқ Бош бошқармаси Давлат солиқ қўмитасига айлантирилган эди.

Ушбу қўмитага 2004 йилдан буён генерал-лейтенант Ботир Парпиев раҳбарлик қилиб келади.

71 яшар Ботир Парпиев Ўзбекистон Миллий хавфсизлик хизматига 1995 йилдан бери узлуксиз раислик қилиб келаётган энг қудратли генерал – Рустам Иноятовнинг қудасидир.

**Манба: “Озодлик” радиоси**

Human Rights Watch (HRW) ҳуқуқни ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти делегациясига 7 йиллик танаффусдан сўнг Ўзбекистонга киришга рухсат берилди. Бу ҳақда ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Брюсселда ўтган “Ўзбекистон-Европа Иттифоқи” ҳамкорлик кенгаши яқунларига бағишланган матбуот анжуманида маълум қилди.

Брюсселда ўтган “Ўзбекистон-Европа Иттифоқи” ҳамкорлик кенгаши яқунларига бағишланган матбуот анжуманида журналистларнинг саволларига жавоб берар экан, Ўзбекистон ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комилов Тошкент халқаро ҳуқуқ ҳимояси ташкилотлари билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканини айтди.

Унга кўра, Human Rights Watch (HRW) ҳуқуқни ҳимоя қилиш халқаро ташкилоти делегацияси август ойида Ўзбекистонга келади. HRW делегациясига ташкилотнинг Марказий Осиё бўйича тадқиқотчиси Стив Свездлов раҳбарлик қилади. Комилов ташқи ишлар вазирлиги бу масалада ташкилотнинг ижрочи директори Кеннет Рот билан яқиндан ҳамкорлик қилаётганини айтди.

Абдулазиз Комилов: “Шунга ўхшаш бошқа ташкилотлар ҳам бизга келадилар, улар билан ҳамкорлик қиламиз, бизда кун тартибидан чиқаришга ёки яширишга ҳаракат қиладиган нарса йўқ”, деб билдирди.

Стив Свездлов Озодлик радиосига берган суҳбатида Абдулазиз Комиловнинг бу баёноти ўзи ва ташкилот учун янгилик бўлганини айтди.

Свездловнинг билдиришича, ташкилот Ўзбекистонга киришга рухсат берилишини сўраб Тошкентга мурожаат қилган, лекин ҳозирча бу мурожаатга расмий жавоб олинмаган эди.

-Биз Ўзбекистонда халқаро ва маҳаллий ҳуқуқ ҳимояси ва жамоат ташкилотлари учун майдон кенгайтирилаётгани тўғрисидаги ҳар қандай билдирувларни қўллаб-қувватлаймиз. Лекин биз ҳозирча Абдулазиз Комилов сўзларининг расмий тасдиғини



## Энди Стив Свездлов Ўзбекистонга кираолади

кутмоқдамиз. Шу билан бир қаторда бу каби баёнотларнинг берилиши Ўзбекистонда “музларни эритиш” каби муҳим жараёни бошлашга уриниш бўлаётганидан дарак беради. Ўзбекистонга БМТнинг инсон ҳуқуқлари Олий Комиссарининг ташриф қилгани, ҳозирча қоғозда бўлса ҳам суд ислохотини ўтказишга ҳаракат бўлаётгани бизни қувонтирмай қўймайди, -деди Стив Свездлов.

Human Rights Watch вакили ўз ташкилоти Тошкентни “зудликда сиёсий маҳбусларни, жумладан, қамокда оғир аҳволда қолаётган журналистлар Дилмурод Саййид ва Солижон Абдурахмонов озод этишга чақиришда давом этиши”ни таъкидлади.

Свездлов “Мустақиллик куни муносабати билан президент Мирзиёвда Ўзбекистоннинг инсон ҳуқуқлари борасида зиммасига олган халқаро мажбуриятларни бажариши учун яна бир имконият пайдо бўлади ва у сиёсий маҳбусларни зудликда озод этишига умид қиламиз”, деб айтди.

Айни пайтда Комилов Брюсселдаги матбуот анжуманида “ҳуқуқ ҳимоячиларининг келиши Ўзбекистон уларнинг барча талаблари ва шартларини қабул қилишини аниқламайди. Муносабатлар ҳар томонлама бўлиши лозим ва қандайдир масалалар бўйича манфаатларимиз тўғри келмай қолса, бу ҳар қандай ҳамкорлик тўхтатилишини

аниқламайди лозим”, деб билдирган.

17 июль куни Абдулазиз Комилов “Ўзбекистон – Европа Иттифоқи” ҳамкорлик кенгашининг навбатдаги йиғилишида иштирок этиш учун Брюсселга борган эди.

Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида Ислом Каримов вафотидан сўнг ўтказилган энг юқори даражали сиёсий сўзлашувларда Ўзбекистондаги демократия, инсон ҳақлари вазияти муҳокама қилинди, шунингдек, ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантиришга оид келишувга ҳам эришилди.

Human Rights Watchнинг Тошкентдаги ваколатхонаси 1996 йилда очилган ва шундан сўнг Ўзбекистондаги инсон ҳуқуқлари вазиятини кузатиб, таҳлил қилиб борган эди.

2005 йил Андижон воқеаларидан кейин расмий Тошкент бу ташкилот фаолиятига ўта тоқатсиз бўлди ва ташкилотнинг икки вакили Олег Воронцов ва Стив Свездловга акредитация бермади.

2010 йилнинг декабр ойида эса Адлия вазирлиги ваколатхонаси ёпиш тўғрисидаги ариза билан Олий судга мурожаат қилди.

2011 йилнинг 9 июлида Олий суд HRW ташкилотининг Тошкентдаги идорасини тугатиш ҳақида қарор қабул қилди.

**Манба: “Озодлик” радиоси**



## Ўзбекистонда хорижга чиқиш паспортлари жорий этилади

Президент Шавкат Мирзиёев бу хусусда ўз таклифларини ишлаб чиқишлари учун мамлакатдаги масъул идораларга бир ой муҳлат берган.

Кўзда тутилаётган таклифларда хорижга чиқиш паспортларини жорий этишнинг аниқ босқичлари, муддатлари, техник шартлари ва молиявий харажатлари акс этиши лозимлиги айtilган.

Бунга эса, Ўзбекистон президентининг 11 июлдаги миграцион жараёнлар ва фуқароликни расмийлаштиришда ички ишлар органларининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш тўғрисидаги қарори асос бўлиб хизмат қилган.

Ўзбекистонда амалда бўлган чиқиш визасининг бекор қилиниб, ўрнига хорижий паспортларнинг истъмолга киритилишига оид хабарлар шу йил бошида пайдо бўлган.

Улар Шавкат Мирзиёев расман Ўзбекистон янги президенти этиб қасамёд келтиришидан қисқа вақт ўтмай кузатилган.

Чиқиш визаси тартиби Ўзбекистон мустақиллиги билан кечган чорак асрдан ортиқроқ вақт давомида амал қилиб келади.

Айни тартиб Ўзбекистон фуқароларининг энг кўп шикоятларига сабаб бўлиб келаётган энг долзарб масалалардан бири бўлади.

Айниқса, сўнги йилларда ушбу мавзу турли ижтимоий-мулоқот тармоқларида Ўзбекистонлик интернет фойдаланувчиларининг қизғин баҳсу мунозараларига айланган.

Бу баҳсга қўшилган аксарият ўзбекистонликлар наздларида чиқиш визаси буткул бекор қилинмоғи лозим.

### Хорижга чиқиш паспорти

Бу ҳақда аввалроқ Ўзбекистон янги ҳукуматининг порталида эълон қилинган 2017-2021 йиллар оралиғида Ўзбекистонни ривожлантириш бўйича Ҳаракат дастурида ҳам сўз борган.

Хорижга чиқиш учун р у х с а т н о м а ( с т и к е р ) расмийлаштириш тартибини бекор қилиш ва ўрнига хорижга чиқиш паспортини жорий этиш ҳақидаги лойиҳа экспертлар ва жамоатчилик муҳокамасига қўйилгани айtilган.

Чиқиш визасининг бекор қилиниши учун аниқ муҳлат кўрсатилмаган, аммо айни тадбирни

бажариш муддати 2017 йилнинг 3-чораги этиб белгиланганди.

Ушанда ўзбекистонлик масъуллар хорижга чиқиш паспортларининг 2018 йил охиригача жорий этилиши мумкинлиги ҳақида сўз юритишган.

### Чиқиш визаси

Ўзбекистон конституцияси фуқароларнинг мамлакат ичкараси ва ташқарисида эркин ҳаракат қилиш ҳуқуқини кафолатлашига қарамай, Совет давридан қолган чиқиш визаси амалда сақланиб қолган.

Хорижга чиқишни назорат қилиш тизими мамлакатдаги энг коррупциялашган тизимлардан бири сифатида кўрилади.

Хорижга чиқиш учун стикерлар расман ички ишлар вазирлигининг бўлиналари томонидан расмийлаштирилса-да, амалда рухсат Миллий Хавфсизлик Хизмати томонидан берилиши маълум.

Утган йил октябрь ойида "Ўзбекистон фуқаролари ташаббус гуруҳи" президент ваколатларини вақтинча бажараётган Шавкат Мирзиёевга ўзига хос чақириқ – петиция билан мурожаат қилишган, чиқиш визаси тартиби бекор қилиниши кераклигини айтишганди.

Таъкидлаш жоиз, мустақил Ўзбекистон тарихида унча бу каби воқеълик кузатилмаган.

**Манба: Би-би-си Ўзбек**

Султон Меҳметнинг даврида, Султон билан бир мусулмон бўлмаган меъмор ўртасида низо чиқди. Меъмор Султон Меҳметни маҳкамага берди.

Қози Султон Меҳметга бу ҳақда маълумот бериб, маҳкамага боришлари кераклигини айтди.

Айtilган куни Қозининг хонасига даъвогар билан «айбланувчи» Султон кириб келдилар. Султон Меҳметнинг ёнида қилич таққан қўриқчилари бор эди. Хонанинг юқорисида қози жаноблари билан котиб ўтиришар эди. Рўбарўда эса, ғайримуслим меъмор ва ўз қўриқчилари билан салобатли Султон ҳозир бўлдилар. Шунда Султоннинг тик турганини кўрган қўриқчи:

– Султонимизнинг ўтиришлари учун бир нарса келтиринг деб, деб ўшқирди.

Қози эса совуққонлик билан:

– Бу ер маҳкама. Султон жаноблари ўтирмайдилар. Маҳкама қаршисида тик туриб жавоб берадилар. Бу ерда ҳеч кимнинг бошқалардан устунлиги йўқдир, – деди. Султон ҳам қўриқчини тинчланишга ишора қилди.

Қози сўз бошлади:

– Султоним. Аллоҳ таъоло «Нисо» сурасида, омонатларга рия

## Қозининг адолати

қилишингизни, одамлар орасида ҳукм чиқарар экансиз, адолат билан чиқаришингизни буюради.

Султон Меҳмет:

– Аманна ва соддақна, биз бунга иймон келтириб тасдиқлаймиз, деди.

Қози сўзида давом этди:

– Аллоҳнинг наздида энг мақбул амир, одил ва яхши хулқли бўлганидир. Энг мақбул бўлмаган амир эса, халқнинг дардидан беҳабар бўлганидир. Қўл остингизда бўлган инсонларнинг ҳаққини еманг. Ана шунда улар ҳам бошқаларнинг ҳаққини емайдилар. Уларни қийин аҳволда қолдирманг. Ана шунда улар ҳам тўғри йўлдан чиқмайдилар. Сиз меъмор Сантос жанобларига бир иморат қуришлик учун буйруқ берган экансиз. Шу тўғрими, Султоним?

– Тўғри, қози ҳазратлари.

– Лекин, кейинроқ бу ишни тўхтатгансиз. Тўғрими?

Султон Меҳмет:

– Гапингиз тўғри. Сантос жаноблари ваъда берган муддатда иморатни битиролмади. Битиролмас ҳам эди. Шундан кейин мен ишни тўхтаттириб, унинг ўрнига бошқа бир меъморни ёлладим, – дея ўзини

оқлади.

Қози меъморга юзланди:

– Тўғрими, Сантос афанди?

– Тўғри. Аммо, мен бу ишдан кўп норозиман. Султондан шикоят қилмоқчиман, – деди меъмор.

Бу сўзни эшитиб дарғазаб бўлган қўриқчи, қўлини қиличига олиб бориб:

– Ўчир овозингни, кофир! Ҳозир сени каллангни оламан, деб бақирди.

Султон Меҳмет қўриқчисининг қўлидан тутиб:

– Нима қиялпсан? Маҳкамада эканимизни унутдингми, деб уни тўхтатди. Қўриқчи ҳам қаерда турганини эслаб, ғазабидан тушиб қозидан узр сўради.

Қози меъморга қараб деди:

– Сантос афанди бу ишдан норози бўлган. Ишлаган муддатига тегишли иш ҳақини ололмаган.

Султон Меҳмет норози оҳангда:

– Лекин, қози ҳазратлари, бу меъмор ишни ўз вақтида бажаролмади.

– Аллоҳнинг ҳукмини татбиқ этувчи бир қози ўлароқ, ўртангиздаги ихтилоф борасида

*(Давоми кейинги саҳифада)*

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

мен ҳар икки тарафнинг сўзларини тингладим. Энди менинг вазифам, бу иш юзасидан одил бир қарор чиқармоқдир. Чиқарган қароримда адолат қилмасам, мен ҳам содир қилинган зулмга шерик бўлган ҳисобланаман.

– Шубҳасиз, қози ҳазратлари! – деди Султон Меҳмет. Шубҳасиз!

Шундан сўнг қози олдида турган китобларни варақлаб мутолаа қила бошлади. Бир муддат ўтгандан сўнг китобни ёпиб, бир чеккага қўйди. Деди:

– Мен масалани кўриб чиқдим. Меъмор Сантос билан Султон

Меҳметнинг ўрталаридаги келишмовчиликда Сантосни ҳақ деб топдим.

Орага бир оз сукунат чўкди. Султон ерга қаради. Қўриқчи эса, қулоқларига ишонмагандек, кўзлари чақчайиб кетди. Қози сўзида давом этди:

– Султон Меҳмет, даъвогар талаб қилган иш ҳақи – олтинларни тўлашга мажбур!

Султон Меҳмет бир оз турдида, ёнида турган қўриқчисининг қиличига қўлини олиб борди. Шиддат билан қозига ўқталиб шундай деди:

– Аллоҳга қасамки, агар мени «султоним» деб аяб, менинг

фойдамга ҳукм чиқарганингизда, адолатдан тойилганингизда эди, сизни мана шу қилич билан ўлдирган бўлардим.

Қўриқчи:

– «Аллоҳу Акбар», деб юборди.

Қози ҳам ўтирган кўрпачасининг тагидан бир ханжар чиқарди ва деди:

Сиз ўз мавқеингизни суиистеъмол қилиб, мени адолатдан буришга ҳаракат қилганингизда эди, мен ҳам мана шу ханжар билан Сизни ўлдирган бўлар эдим.

– Адолатдан четга чиқмадингиз! Аллоҳ Сиздан рози бўлсин, – деди Султон мамнун ҳолда.

facebook.com



## Дунё, Ўзбекистон ва Россия қамоқхоналарида қанча маҳбус бор?

Россиядаги қамоқхоналарда 618 490 маҳбус бор экан, бу сон Тюмен, Владивосток, Махачкала ва ё Ульяновск шаҳарларининг аҳолиси билан тенг. Ўзбекистондаги қамоқхоналарда қанча маҳбус сақланиши ҳақида аниқ маълумотлар йўқ, аммо 2010 йил марҳум президент Ислам Каримов ўз чиқишларидан бирида мамлакатда ҳар 100 минг кишига 166 аристон тўғри келишини айтган эди.

Россия қамоқхоналаридаги «аҳолиси» бўйича Европа давлатлари орасида биринчи ўринни эгаллайди. Аммо 2000 йилдан бери Россияда собиқ Шўро давлатларида бўлгани каби қамоқхонадаги маҳбуслар сони қисқариб бораётган экан.

Европа қамоқхоналари «аҳолиси» Қамоқхоналар тизимини ислоҳ қилиш энг мушкул амаллардан саналади ва ҳатто тараққий топган давлатлар ҳам айни масалада ягона дастурамалга эга эмас.

Масалан, Финляндияда 1971 йилда ўғрилиқ қилганларнинг 38 фоизига қамоқ жазоси берилган бўлса, маст ҳолда машина

ҳайдаганларнинг 70 фоизи озодликдан маҳрум қилинган.

Москвадаги Стратегик Тадқиқотлар Маркази Германия, Англия ва Уэлсдаги тизимларни ўрганиб чиққан.

Тадқиқот хулосалари:

1. Озодликдан маҳрум қилиш жиноятчини «тузатмайди». Қамоқдан чиққанларнинг катта қисми такроран жиноят содир этади ва қамоқхонага қайтади.

2. Қамоқхонадан чиққанлар жамиятга яна қайта мослашиши қийин бўлади

3. Ана шу икки хулосадан келиб чиққан ҳолда айтиш мумкинки, 1960 йиллардан бери Буюк Британия ва АҚШ собиқ маҳбусларни жамиятдан узоқ ушлаб туриш маъқул деган хулосага келишган. Уларни қайта тарбиялаш фикридан деярли воз кечишган.

4. Финляндия ҳукумати қамоқхоналар жиноятчилик етказадиган зарарни озайтирмайди дея жиноятчиларни озроқ қамоққа жазосига ҳукм қилганлар. Қонунбузарларга қарши кўпроқ

жарима ва шартли қамоқ жазоларини беришган.

5. Жазо турларини юмшатиш жиноятчиликнинг ошишига олиб келмагани аниқланган

Қамоқхоналар «аҳолиси» катта бўлган давлатлар

(Ҳар 100 минг кишига)

Мамлакат Қамоқхона «аҳолиси» (100 кишига нисбатан) \*

АҚШ 666

Россия 428

Буюк Британия 363 (146)

Белоруссия 314

ЖАР 291

Исроил 265

Туркия 254

Гуржистон 254

Озарбайжон 239

Латвия 221

Қозоғистон 202

Польша 195

Венгрия 185

Украина\*\*167

Аргентина 167

Португалия 135

Испания 130

Канада 114

Франция\*\*\*101

Юнонистон 89

Швейцария 82

Германия 76

Норвегия 74

Нидерландия 61

Финляндия 57

\* 2017 йил маълумотлари (Россия, Буюк Британия, Қозоғистон, Туркия, Латвия, Гуржистон, Польша, Испания, Франция, Португалия, Юнонистон, Финляндия), 2016 й. (ЖАР, Озарбайжон, Украина, Венгрия, Швейцария, Германия, Норвегия), 2015 й. (АҚШ, Исроил, Аргентина, Нидерландия), 2014 й. (Белорусия)

\*\*Крим борасида маълумотлар йўқ, Украина бу яриморolni ортиқ назорат қилмайди

\*\*\* Франция қамоқхоналарида доир статистик маълумотларга Монако ҳам киритган, икки давлат ўртасида бу масалада шартнома бор.

Манба: Би-би-си Ўзбек



Бир видеода кўрган эдим. Унда Россия федерациясининг “ЛДПР” партияси раҳбари Владимир Жириновский шундай деган эди: “Мавзолейдан Ленинни кўчириш чиқиш мавзусини депутатлар кўтариб чиқишибди. Огоҳлантириб кўяй, мен бошламадим бу мавзуни. Мен Ленинни гапирсам «ўлганларни тепманглар», дейишяпти. Кимни гапирай унда? Ленинни гапириш мумкин бўлмаса, Сталинни гапириш мумкин бўлмаса, Брежневни гапириш мумкин бўлмаса, Горбачовни умуман гапириш мумкин эмас. Унда келинг, тирикларни гапирай, мана, Зюгановни (Коммунистлар партияси раиси) гапирман. Қизил террор қилиб миллионлаб одамларни қонини оқизган одамлар ҳақида гапирмаймиз. Мансаб йўлида ҳеч нимадан таб тортмаганлар ҳақида ҳам гапирмаймиз. Унда бизга тарих нима учун керак? Келинг, тарихни умуман эсламайлик, ўчириб юборайлик. Яна ўша хатоларни такрорлаб яшайлик.”

Жириновскийни ёмон кўраман, аввалдан айтиб кўяй. Лекин Россия бекорга “буёқ оғамиз” эмас. У ерда ҳам осмон мусаффолигига шукр қиладиганлар, ўликларни гапиртирмайдиганлар, тирикларга сиғинадиганлар етарлича топилади. Шунчалик ҳам ранг оламизми-а?

Бир нарсани гапирсангиз “ўлган ўлди, орқасидан гапирманг”, дейишади. Аллоҳ Фиръавни, Намрудни, Абу Лаҳабни нима учун унда Қуръонда номини келтирди? Тарих ибрат эмасми?

Йўқ, биз ибрат олмаймиз. Уни ўрнига ўликларни гапиришдан ман қилганларни эртақларига лаққа ишонамиз. Улардан дохий ясаймиз. Минглаб инсонларни қони учун жавоб сўрамаймиз. Тирик диктаторлар ўлган диктаторларни номини



## Йўқ, биз ибрат олмаймиз...

улуғлашади. Эртага улар ҳам ўлса, улардан кейингилар шу ишни такрорлашлари учун.

Ўлганлар майли, “кел, тириклар ҳақида гаплашамиз”, десангиз “ғийбат”, деб оғиз очирмайди. Зулмни, фасодни, ноҳақликни гапирсангиз “яхши гумонга” чақиришади.

Чалкашиб кетдим.

Абсуртлар кўп. Президентни танқид қилиб бўлмайди. У ҳақида яхши гумон қилиш керак. Гапирса ғийбат бўлади.

Аммо футболчини, мураббийни бемалол танқид қилса бўлади. Ҳеч ҳам ғийбатга кирмайди. Сизни гапиришдан тўхтатганлар, футболчиларни ёмонлашда олди сафларда эканига кўзингиз тушади.

Ўзбекистон ичидаги имомларни гапирса бўлмайди. Ғийбат бўлади. Яхши гумонга чақирилади.

Лекин чет элдаги аҳли илмларни ётиб олиб танқид қилаверасиз. Айниқса, ўлганларни танқид қилса янада файзлироқ бўлади давра.

Аслида, бир кўшиқни айтаётганга ўхшаймиз, лекин сиз “бир мойчечак, икки мойчечак”, десангиз “йўқ, унақаси кетмайди. Бир вақ-вақа, икки вақ-вақа”, дейди.

Бир мавзуга тўхталсангиз “сен ўзинг нима қилиб кўйдинг?”,

дейди. Мен ундан яхши дурадгор бўлишим, бир кунда 200 кг пахта теришим, яхши косиб, яхши инженер бўлишим мумкин. Мен амалдорларни танқид қилишим учун амалдор бўлишим шарт эмас. Тухумни тамини билиш учун, товук бўлиш шарт бўлмагани каби.

Хуллас, ўликларни ҳам, тирикларни ҳам гапирмаймиз. Ҳамма нарсдан розимиз – тилимизда, норозилик – дилимизда. Бизга шуниси маъқул. Гапирмаганимиз етмагандек, гапиргани ҳам ўзимизга ўхшатиб оламиз. “Жим, қамалиб кетасан” “оғзингни юм” “жим юрсанг бўлмайдимиз?”, деб. Олақарғалар ичида булбулга жой йўқ. Ҳамма бир-ҳил “қағилласа” зўр ярашади.

Баракалла, азаматлар. Яхши ҳам саҳобалар, тобеинлар дуо қилиб ўтиравермаган. Агар, улар ҳам дуодан бош кўтармаганда дин сиз билан бизга етиб келмаган бўлармиди. Амалий ҳаракат фитна бўлади. Фитна бўлмаслиги учун... яна мавзуни бошига қараб кетяпман.

Ҳа, дуо қилиб турайлик. Яхши бўлади. Кимдир бизга яхши ва фаровон ҳаётни совға қилади. Худди эртақлардагидек...

Буйил Ўзбекистон олийгоҳларига ҳужжат топширмакчи бўлган ҳижобли қизларга рўмолни орқадан ўраш талаби қўйилди, акс ҳолда улардан ҳужжат қабул қилинмади. Айтилган калта юбка кийган ёки шортик кийган абитуриентларга ҳам очиқ кийинмаслик талаби қўйилди.

### “Ҳижобли қизлардан ҳужжат қабул қилмадик”

Қўқон Давлат педогогика институтига ҳужжат топширмакчи бўлган ҳижобли қизларга рўмолни орқадан ўраш талаби қўйилди.

Бу ҳақда Озодликка хабар қилган



## ҲИЖОБЛИ ЁКИ КАЛТА ЮБКАЛИ АБИТУРИЕНТЛАРДАН ҲУЖЖАТ ҚАБУЛ ҚИЛИНМАДИ

воқеадан хабардор манбага кўра, ҳижоб ўраган қизлар талаба бўлиш орзусида бу талабни бажарган:

“Қариндошларим ҳаммаси ҳижоб ўрайди. Педагогика институтига ҳужжат топшириш учун боришган пайти “ҳижоблиларни қабул қилмаймиз, рўмолнинг еч ёки қулоғининг орқасидан ўзбекча килиб ўра”, деган талабни қўйишган. Қизлар рўмолни орқадан ўрашга мажбур бўлишган”, дейди исмини очиклашмасликни сўраган қўқонлик йигит.

Ушбу институтдаги қабул жараёнида маълум муддат иштирок этган талаба йигит шундай ҳолат бўлганига гувоҳ бўлганини айтди:

“Мен ҳижобга ўранган фақат битта абитуриент қизни кўрдим. Ундан ҳижобини ечишни талаб қилишмади. Фақат жуда мулоим қилиб тушинтиришди. Ҳамма жойда камера бор. “Камерага тушиб қолсанг, биз гап эшитишимиз мумкин”, деб илтимос қилишганди. Қиз рўмолни қулоғини орқасидан ўради”, деди ушбу институт талабаларидан бири.

Қўқон педогогика институтидаги қабул жараёнига масъул Ойбек исмли ходим Озодликнинг ҳижобли абитуриентлар билан боғлиқ саволини эшитиши билан телефон гўшагини қўйиб қўйди ва бошқа кўтармади.

Би-би-си Ўзбек хизмати ҳам Андижон Давлат Университетида ҳижоб ўраган абитуриент қизлардан ҳужжат қабул қилинмагани ҳақида хабар қилди.

Хабарга кўра, олийгоҳ

масъуллари бунинг тасдиқлаб, Тошкентдан келган талаб боис, ҳижобли қизлардан рўмолни ечиш сўралганини таъкидлаган.

Озодликнинг Фейсбук саҳифасида шарҳ ёзган фойдаланувчилар мамлакатнинг турли ҳудудларидаги олийгоҳларда ҳам шу каби ҳолатлар кузатилгани ҳақида хабар қилди.

### Расмий: Ибодат либосларида қаерда юришни биласизми?

Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг ўзини таништирмаган расмийси жамоат жойларида ибодат либосларида юриш тартибини эслатиш билан чекланди.

Ўзбекистон маъмурий жавобгарлик кодексининг 184-моддаси 1-бандига кўра, диний ташкилотлар хизматчиларидан ташқари фуқароларнинг жамоат жойларида ибодат либосларида юришлари жарима ёки 15 суткагача маъмурий қамоқ билан жазоланиши мумкин.

“Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги қонуннинг 14-моддасида ҳам “фуқароларнинг жамоат жойларида диний либосда юришларига йўл қўйилмаслиги” айтилган.

Айтилган пайтда Ўзбекистон Конституциясининг 31-моддасида “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга” дея белгиланган.

### Шортикли абитуриентларга шим кийдирилди

Олийгоҳларда ҳужжат қабул қилиш жараёни 15 июндан 15 июлгача давом этди. Жойлардан олинган хабарларга кўра, жорий йилда калта юбка кийган ва шортикда келган абитуриентлар ҳам муаммоларга дуч келган.

“Жияним Жиззахдаги политехника институтига ҳужжат топшириш учун борганида калта шим билан борган экан, қайтариб юборди. Ўзи ҳужжатларидаги камчиликлар боис, олдин ҳам уч марта қайтаришган эди. Бешинчи мартасида ҳужжат топширди”, дейди Жиззахлик аёл.

Озодлик суҳбатлашган олийгоҳлар, жумладан, Навоий педогогика институти ходимлари очиқ кийимдаги абитуриентлар қайтарилганини тасдиқлашди.

“Олийгоҳларда кийиниш одоб-ахлоқини абитуриент пайтидан ўрганиши лозим. Кейин булар эртага ёш авлодга тарбия берадиган бўлажак ўқитувчиларку”, деди мазкур олийгоҳ ходими.

Ўзбекистон олийгоҳларида талабаларнинг кийиниши борасида қатъий талаблар борлиги ҳақида Озодликнинг аввалги мақолаларида ҳам айтилган.

Жумладан, Тошкент олийгоҳларида жинси шимда ўқишга келган қизлар дарсга қўйилмаган, Қўқонда эса галстуги йўқ талабалар қора ишларга мажбурланган.

Манба: “Озодлик” радиоси





## Ўзбекистонда илк бор Комилжон Отаниёзовнинг юбилейи давлат миқёсида нишонланмоқда

Бирваркайига тўрт республиканинг халқ артисти Комилжон Отаниёзовнинг таваллуд куни давлат миқёсида нишонланмоқда. Ўзбек ашулачилигида Озарбайжон торини урф қилган ҳофиз Комилжон Отаниёзов туғилганига 21 июль куни юз йил тўлади.

Бу сана арафасида Тошкентдаги “Туркистон” саройида Комилжон Отаниёзов ижодига бағишланган кеча бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Маданият вазирлиги томонидан таниқли ҳофиз таваллудининг 100 йиллигига бағишлаб ташкил этилган адабий-музикавий тадбирда қатнашган филолог олим Машарип Сапаровнинг айтишича, тадбир катта музика байрамига айланиб кетган.

Ўзбекистон Республикаси маданият вазирининг биринчи ўринбосари Минҳожиддин Ҳожиматов очиб берган бу тадбирда музикашунос олим Отаназар Матёқубов ва бошқа санъаткорлар кўшиқчи ижодий мероси ҳақида гапиришган.

Каримов иқтидори даврида ҳофизнинг 80 ва 90 йиллик юбилейларини ўтказилмаган ва унинг Урганч шаҳридаги ҳайкали йиқиб ташланган эди. Бундан ташқари Отаниёзов исми музика билим юрти ва филармониядан олиб ташланган эди.

“Маҳтумқули ғазаллари Комилжон Отаниёзов ижросида” деган монография муаллифи, филолог олим Машарип Сапаровнинг айтишича, ҳофизни эслаш тадбири янги раҳбарият ташаббуси билан амалга ошган:

– Мирзиёев сайлов олди учрашувларида Комилжон ака

туғилган Бўйрачи қишлоғига бориб у кишини номини абадийлаштираман деб ваъда берди ва бу ваъда бажарилди, дейди суҳбатдош.

Комилжон Отаниёзовнинг Каримов даврида унутилган номини улуглаш ҳақида жорий йил январида мамлакатнинг муваққат президенти бўлган пайтидаёқ Шавкат Мирзиёев Хоразм вилоятига ташрифи пайтида айтган эди.

Президентликка номзод Шавкат Мирзиёев хоразмликлар билан сайловолди учрашувида 2017 йилда Ўзбекистон халқ артисти Комилжон Отаниёзов таваллудининг 100 йиллигини кенг нишонлаш, машҳур ҳофиз номи билан аталадиган замонавий ижод маркази ва унинг таркибига гўзал боғ ташкил этишни таклиф қилган эди.

Шунингдек Мирзиёев Хоразмда йиқиб ташланган Комилжон Отаниёзов ҳайкалини қайтадан барпо этиш ҳақида ҳам тавсия берган эди.

### Комилжонимни ёд этсам

Озодликнинг “Чодирҳаёл” дастурида Комилжон Отаниёзов ижод йўлига уни таниган ва биланлар билан суҳбат асосида нигоҳ ташладик.

Ўзбекистон халқ шоири Омон Матжон Озодлик билан суҳбатда Комилжон Отаниёзовни тоғ чўққисига ўхшатди

– Хоразмда тоғлар йўқ дейишади, мен эса тоғлар бор деб айтаман. Фақат бу тоғлар одам қиёфасида зоҳир бўлган. Огаҳий, Мунис каби шоирлар Ҳожихон, Комилжон каби ҳофизлар Хоразмнинг тоғларидир, деган шоир Озодлик билан суҳбатда ҳофизга атаб ёзган шеърдан парча ўқиди:

– Рухимга бир садо келур

Комилжонимни ёд этсам  
Дилга нурли наво келур  
Комилжонимни ёд этсам  
Қадим денгиз Орол тўлар, Сир,  
Жайхунга ҳаёл тўлар  
Тўлин бўлар, ҳилол тўлар  
Комилжонимни ёд этсам  
Дилларда бор соғинч зиё, ишқ  
боис айланур дунё  
Шу бир номда минг ҳикмат жо  
Комилжонимни ёд этсам...

### Времени тўхтатган хофиз

Утган асрнинг олтмишинчи йилларида Ўзбекистон телевидениеси ўз кўрсатувларини эфирга узатганида Марказий Телевидениенинг “Время” дастурини олиб кўрсатишга мажбур эди.

“Время” дастури бошлангани онда барча ўзбек дастурлари тўхтатиши лозим бўлган.

Тошкентнинг Бошлиқ маҳалласидаги теледастурларни эфирга узатиш республика идорасининг 1967 йилги “ТВ-зона 4” деган дафтарида бир ЧП (Фавқуллода ҳодиса) қайд қилинган.

Бу дафтарда ёзилишича, ўша йилнинг ноябр ойи кунларидан бирида “Время” программаси эфирга узатилмасдан унинг ўрнига Комилжон Отаниёзов концерти берилган.

Телеузатиш марказидаги техник Комилжон Отаниёзовнинг муҳлиси бўлгани боис Москвани улашни унутиб қўйган ва пировардида ҳайфсан олган.

Хозир Британияда истиқомат қиладиган олим Аҳмаджон ака Хоразмий ўша воқеани яхши эслайди:

– Москванинг Время деган программаси келган пайтда ҳамма нарса тақа-тақ тўхтаб, Время берарди. Уша пайтда Комилжон Отаниёзов ашула айтиб турган эди, концерти бор эди телевизорда. Бирдан Комилжон Отаниёзов ашуласини тугатмасдан Время бошлаворди. Икки минут ўтар-ўтмас Времени тўхтатди-да, яна Комилжон ака ашула айтиб юборди. Тўрт минут ўтар-ўтмас яна Время кўрсатиб юборди. Ундан кейин яна Комилжон ака ашула айтди. Телевизор тугагунча айтди ўзиям, дейди Аҳмаджон Хоразмий.

Суҳбатдошга кўра, Совет Иттифоқининг энг асосий теледастурини тўхтатиш ўша пайтдаги мафкурага қарши бориш билан тенг бўлган.

Бу воқеадан сал ўтмай Муштум журналида Комилжон Отаниёзов танқид қилинган карикатура пайдо бўлди.

Карикатурада Отаниёзов

(Давоми кейинги саҳифада)

(Давоми: Боши олдинги саҳифада)

хотинлар каби кокил соч қўйган тарзда гавдалантирилади. Расм изоҳида эса "Отаниёзов ўзи эркак бўлиб, хотинчалиш қўшиқлар айтди", деб ёзилган эди.

Ана шундан кейин ҳофиз республикани тарк қилиб, бир муддат Туркменистонда ижод қилишга мажбур бўлгани айтилади.

### Хоразм машъали

Шоир ва журналист Ҳамид Исмойилнинг "Мен севган ашула" китобида Комилжон Отаниёзов дея "Хоразм машъали" таърифланади.

Озодлик билан суҳбатда Ҳамид Исмойил "Комилжон Отаниёзовни эсга олсам. "Машъал Хоразм" деган ибора эсимга келади" деб гап бошлади.

– Комилжон Отаниёзов ҳақида ҳеч бир инсон ҳеч қачон бирон бир ёмон гап айтмаган. Рост-да, тошкентлик ана у ҳофиз ит уриштирар эмиш, буниси хотинбоз экан, учинчиси яна алланима, — деб миш-мишлар тарқалиб юрган бир пайтда — Комилжон-ақа ҳақида атиги бир марта — ўйинчоклар дўқонинг мудираси Мовлуда-опанинг тўйига келганида уни кўрганлар — нуроний кўзли, плаш кийган одам экан, деб айтишларидан бошқа ҳеч нарса эшитмаганман. Бувим ҳам шу тўйга борган эдилар: «Акамларга ўхшар экан», — деган соддагина гапни кўтариб келганлар. Бу дегани эса бувимнинг таъбирида энг юқори мақтов эди. Ёқуб-хўжа тоғамдек соф инсон афсуски, умримда, Навоий ҳазратлари айтгандек, камрак топиларди деган Ҳамид Исмойил бувиси Комилжон Отаниёзовнинг Маҳтумқули ғазалига басталаган "Тушимда бир булбул кўрдим" қўшиғини танча олдида ўтириб эшитганлигини хотирлайди.

Душимда бир булбул гўрдим,

Уркиб галмиш гулзорима,

Қайси боғнинг булбули бу,

Қайси боғчанинг нориндан.

Гўрмишам саҳар чоғлари,

Сийнама ботмиш доғлари,

Бошда қаро попоқлари

Нозикдур кўнгул ториндан.

Юзи ойга шўла солар,

Ҳусни қуёшдан бож олар.

Айтинг, ёрим қачон галар,



Чиксам дарё канорина.

Ёқди мани ул нозанин,

Адо бўлди рўи замин,

Ҳеч бир кимса манинг каби

Айрилмасин нигориндан.

### Коммунист бўлишни рад қилган ҳофиз

"Комилжон Отаниёзов куйлайди" деган пластинкадан ҳофизнинг Коммунист партиясини ва Совет ҳукуматини улуғловчи қўшиқлари ўрин олган.

СССРнинг "Мелодия" овоз ёзиш студиясининг олтин фондидан ўрин олган бу ёзувларда нафақат коммунизм мадҳиялари, балки диний-мистик, ҳазил-фолклор ва сувора йўналишидаги қўшиқлар мавжуд.

"Мелодия" студиясида овоз ёздирган ҳофиз СССРда катта мавқега эга бўлган. Бундан ташқари, Совет кино кўмитаси "Комилжон Отаниёзов куйлайди" деган филмни суратга олган.

Отаниёзовни яхши билган Аҳмад Хоразмийга кўра, ҳофизга бир неча маротаба Коммунистик партияга кириш таклиф қилинган.

Комилжон Отаниёзов турли сабаблар билан ўзини компартиядан олиб қочгани айтилади.

Аҳмаджон акага кўра, ана шундан кейин Комилжон Отаниёзовга Социалистик меҳнат қаҳрамони унвони бериш масаласи кун тартибидан олиб ташланган:

– Комилжон Отаниёзовга "Сиз партияга ўтинг. Шунда сизга "Социалистик меҳнат қаҳрамони" унвони берамиз тезда" деган пайтда партияга ўтмасдан, унвондан воз кечган шу одам. 50 ёшга кирган пайтда унга "Социалистик меҳнат қаҳрамони"ни бермоқчи бўлишган.

### Унутилиш

Комилжон Отаниёзов оламдан

ўтган 1975 йилда унинг номини абадийлаштириш тўғрисида ҳукумат қарори чиқди.

Бу қарорга кўра, у ўқиган мактаб ва Хоразм вилоят филармониясига Комилжон Отаниёзов номи берилди. Филармония олдида унинг тор ушлаб турган ҳайкали ўрнатилди.

Ўзбекистон мустақил бўлганидан кейин мактабларни атоқли одамлар номи билан юритишга барҳам берилди.

Оқибатда ҳофиз ўқиган мактаб Комилжон Отаниёзов номидан мосуво бўлди.

Филармониянинг вилоят бўлими "Ўзбекнаво" таркибига кирганидан кейин Комилжон Отаниёзов номидан воз кечди.

Кейинги йилларда Урганч шаҳрини қайта қуриш амалиёти пайтида Отаниёзов ижод қилган филармониянинг тарихий биноси ийқитилди.

Бино олдидаги ҳайкал ҳам синдириб ташланди.

Ўзбекистонда раҳбар алмашганидан кейин эса ҳофизга яна ҳайкал тиклашга қарор қилинди.

Ҳофиз ижоди ҳақида китоблар чоп қилина бошланди.

Отаниёзов ижодини тадқиқ қилган мунаққид, "Шарқ тароналари" халқаро мусиқа фестивали танлов ҳайъати аъзоси, немис музикашуноси Ангелика Юнг озодлик билан суҳбатда "Комилжон Отаниёзов эстетикаси сиёсий конюнктурадан баландда туришига" эътибор қаратди. Суҳбатдошга кўра, "Отаниёзовдан қолган мусиқий мерос унга қўйилган энг яхши ҳайкалди"

**Манба: "Озодлик" радиоси**

### "ERKIN YURT"

интернет-газетаси

Ўзбекистон Халқ Ҳаракати расмий

нашри

www.uzxalqharakati.com/erkinyurt

Мухаррир: Нурбек Саломов